

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни бугунги кун талабига кўтариш, хилларини кўпайтириш ҳозир жуда муҳим вазифа бўлиб турибди. «Ташэлектробитприбор» заводи коллективи ана шу соҳадаги ишларни пухта олиб бориш учун зарур чораларни кўрмоқда. Ишчилар ўртасида авж олдирилган мусобақада ҳар бир меҳнатчининг фаоллигигина эмас, сифат учун курашдаги ташаббускорлиги ҳам ҳисобга олиб борилаяпти.

СУРАТДА: моҳир йиғувчилар Маъмура Юлдашева (чапда) ва Муҳаббат Исронлова тайёрланган қандилни яна бир бор назоратдан ўтказишаяпти.

Т. Каримов фотоси.

Касаба союз ҳаётидан

# Муҳим эътибор

Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчи ва хизматчиларнинг моддий-маиший турмуш шароитларининг яхшиланишига муҳим эътибор берилмоқда. Айниқса, корхонада ишчи кучининг асосий қисмини ташкил этувчи хотин-қизлар учун бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Бу ерда ташкил этилаётган психологик ҳордиқ хоналари, хотин-қизлар учун яратилган маиший комплекслар ана шу ғамхўрлик намунасидир. Комплексдаги алоҳида кийим алмашадиган хоналар, пардоз-андоз ва соч турмаклайдиган хоналар, ваннахона ва сауна ҳамда оромбахш дам олиш хонаси аёллар хизматида. Смена тугагач, цехдан чиққан ҳар бир ишчи шу комплексга ошиқади. Бу ердаги саранжом-саришталик, дам олиш хонасидаги салқин жой ва қувноқ мусиқалар, хона ўртасидаги фавворача ва ҳовузчалардаги балиқлар беихтиёр чарчоғингизни йўқотади, ором бағишлайди. Сочларини силлиқ тараб, ўзларига оро бериб чиқишаётган бирибиридан гўзал қизларни кўриб, гапнинг рости уларнинг ишчи қизлар эканига ҳам ишонмайди киши. Бу ердан чиқиб, улар тўғри савдо расталарига яқинлашишади.

Корхона территориясида жойлашган ширинликлар ва ярим тайёр маҳсулотлари билан савдо қилувчи павильон, корхонага қарашли «Тўқимачи» совхозида етиштирилган сабзавот ва мевалар сотиладиган дўконлар, сутқатиқ павильонлари ва Бош универсал магазинининг филиали бўлмиш кийим-кечаклар дўкони ҳамда тандирдан иссиққина узилаётган нонларнинг хушбўй ҳиди димоққа урилаётган нонвойхона кун бўйи тўқимачилар хизматида.

Ҳар ҳафтанинг жума кунлари эса, комбинат умумий овқатланиш бўлими ходимлари ташаббуси билан ҳар битта фабрика қошидаги ошхона ва буфетлар ўзлари пиширган турли хил қандолатчилик маҳсулотлари, уй-рўзғор учун зарур ярим тайёр маҳсулотларнинг савдо кўргазмасини ташкил этишади. Бу кўргазмадан ишчи аёллар хоҳлаган зарур нарсаларини харид қилишлари мумкин.

— Биз аёлларнинг узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилиш мақсадида ташкил этилган бундай кўргазмалардан жуда хурсандмиз, — дейди кўп болали ишчи аёл М. Зокирова.

Тўқимачиларга янада самарали хизмат кўрсатиш мақсадида яқинда ошхоналар қошида янги замонавий чойхоналар ҳам ишга тушди. Иссиқ ёз кунлари бошланиши билан «Ором» кафеси яхна ичимлик ва турли хил мева шарбатлари ҳамда музқаймоқ савдосини бошлаб юборди. «Тўқимачи» спорт клуби қошида эса янгигина ремонтдан чиққан «Спорт» ошхона-кафеси ҳам хўрандаларга беминнат хизмат кўрсатиб, ёшларнинг энг севимли масканига айланмоқда.

Халқимизда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам», деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, меҳнаткашларнинг унумли иши уларнинг дам олишига боғлиқ, албата. Бу масала ҳам комбинат касаба союз комитети диққат марказида турибди.

Қувноқ ёз тўқимачилар учун ўзига хос ҳордиқ фаслидир. Бинобарин, корхона касаба союз комитети тўқимачиларнинг ёзги дам олишларини янада мазмунли ташкил этиш учун янги-янги тадбирларни кўрмоқда. Бу мавсумда тўқимачиларнинг аксарияти меҳнат отпускаларини турли санаторий ва дам олиш уйларида ўтказишади. Бундан ташқари, улар касаба союз комитети йўлланмаси билан чет элга туристик саёҳатларга боришади, курорт ва пансионатларда дам олишади.

Шаҳримизнинг сўлим оромгоҳларидан бири — «Тошкент денгизи» ҳам ёз мавсумида тўқимачиларнинг энг севимли масканларидан бирига айланади. Бу ердаги «Тўқимачи» дам олиш зонаси ҳар ҳафта ишчи-хизматчилар билан гавжум бўлади.

Шунингдек, корхона касаба союз комитети тўқимачиларнинг фарзандларига ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Жажжи болакайлар ёзги каникулни табиат қучоғида, тоғ ёнбағрида жойлашган «Тўқимачи» пионер лагерида ўтказишмоқда. Бўстонлиқ районидаги кичкинтойлар оромгоҳи бу йил ўзининг ўттиз биринчи мавсумини бошлади.

Бир сўз билан айтганда корхона коллективи унумли ва самарали меҳнатни кўнгилли ва мароқли ҳордиқ билан қўшиб олиб бормоқда.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.

Қишлоқ аҳлига мададкормиз

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида турли миллат вакилларидан иборат бўлган меҳри дарё, аҳил ишчилар ишлашади. Улар бир-бирлари билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиб кетишган. Бунинг боиси бор, албатта. Ягона мақсад йўлидаги дадил ҳаракат, баракали меҳнат машинасозларни қишлоқ аҳлига чидамли ва юқори унумли техника етказиб беришга, ўз бурчларини шараф билан оқлашга даъват этаяпти. Бу юксак масъулиятдан четда қолмаслик учун улар барча зарур чораларни кўришмоқда. Корхонанинг шестернялар тайёрловчи цехида ҳам бу борадаги ишлар фаол олиб борилаяпти. Шуниси характерлики, бу цехдаги иш жараёнлари анча масъулиятли. Сабаби бўлинма фақат бирлашманигина эмас, Ўрта Осиёдаги бошқа турдош корхоналарни ҳам ана шундай турдаги зарур маҳсулотлар билан таъминлайди. Барча операциялар цехда кўнгилдагидек адо этилмоқда. Ҳар бир сменада 2 минг 600 дона шестерня тайёрланиб буюртмачиларга мунтазам жўнатилиб турилибди. Бу қутлуғ ишларда илғор ишчи, шаҳар партия комитетининг аъзоси Таисия Ивановна Ястребованинг ҳиссаси катта бўлаяпти...

Эндигина сокинлик чўккан цехнинг бир бурчагида яна станок гуриллаб ишлай бошлади. Бундан участка бошлиғи ҳеч қандай ҳайратга тушмади. Сабаби янги ишчилар тез-тез ишдан сўнг бу ерда қолиб, мустақил иш жараёнларини ўрганишарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Раҳим Эсонбоев билан Зайтуна Мавлютова уйга қайтишга ошиқишмади. Улар шогирд қиз билан сменадан сўнг яна цехда қолдилар. Ҳаракатчан қизнинг ишларини синчковлик билан кузатишди. Ўзига қаратилган эътибордан хижолат чеккан ёш ишчининг қўллари титрар, бутун фикри-зикрини детални яхши ишлаш ҳисси чулғаб олганди. Аммо бўлмади. Барибир хатога йўл қўйди. Қизнинг кўзларига ёш келди.

— Уддалай олмадим яна, — деди у энтикиб. — Мендан пармаловчи ҳам, фрезерчи ҳам чиқмас экан. Ёрдамчилик қилиб юрганим яхшироқ экан.

Шу пайт уларнинг олдига Таисия келиб қолди. Нима гаплигини англагач, қизни юпатиб, бузилган детални қўлига олди.

— Хижолат бўлма, — деди у ёш ишчини юпатиб. — Уддаламаса бўлмайдиган иш йўқ. Ҳозир тўғрилаймиз. Кўрдингми фрезернинг тиши эскириб қолибди. Янгиламаса бўлмайди, детални тирнаб ташлаяпти.

Таисия қутичадаги эҳтиёт қисмни олиб, фрезерлик станогига ўрнатди. Сўнг уни юргизиб, шестерняга ишлов бера бошлади. Шогирднинг кўзи малакали ветеран ишчи Таисия Ястребовада эди. Станок олдида қандай турибди, детални қандай ушлаяпти, ҳаммасини синчковлик билан кузатиб турди. «Брак» шестерня яроқли ҳолга келтирилди. Таисия уни тайёр маҳсулотлар столига қўя туриб:

— Мана бу сенинг бугунги биринчи деталинг бўлди, — деди. Қани, энди иккинчисини қўлингга ол-чи.

Қиз мураббий бажарган операцияни такрорлади. Энди у ҳаяжонланмасди. Ишга ҳам қўли бинойидек келиб қолганди.

— Бўлди, ишлаб кетади энди, — деди Таисия ишонч билан. Сўнг янги деталнинг лойиҳасини унга ўргатишга киришди.

«Ташсельмаш» заводидан буюртма тушган. Янги пахта териш машинаси учун деталлар тайёрлаш керак. Лойиҳа чизмасида ХТ — 41 — 629 маркали шестернялар ишлаб чиқариш технологияси кўрсатилганди. Таисия заводга янги ишга келганда вал тайёрлаш цехига ишга қўйишди. Трактор редукторлари учун вал тайёрлаб беришар эди. Билмаганларини ҳеч тортинмай билганлардан сўрарди. Таисия техника бюроси бошлиғидан турли хил адабиётлар олди. Бўш пайтларида завод кутубхонасидан бери келмади. Тиришқоқлиги туфайли тинимсиз тажрибасини оширди. Лекин бир куни у давлат қабули бўлими табелини кўриб ўз кўзига ишонмай қолди. Наҳотки брак ҳам чиқараяпмиз, ўйлади у ва бунинг сабабларини излашга тушди. Ҳамма гап ишчиларнинг лойиҳа ечимларини тўғри тушуна олмаганликларида экан, кўз билан мўлжаллаб деталларга ишлов беришаяпти.

Таисиянинг ташаббуси билан ишчиларга чертеж ўқишни ўргатишга киришишди. Ҳеч ким бундан бош тортмади. Мана энди ҳамма лойиҳадан тўла фойдаланиб ишлайди.

Ветеран ишчи меҳнатидан ҳозир кўпчилик мамнун. Улар опа ўгитларига амал қилиб баракали ишламоқдалар. Бунинг эвазига машинасозларнинг одими тобора дадиллашиб бораяпти.

Д. ОБЛАЕВ.

Озиқ-овқат Программаси бўғинлари

# ПЕШТАХТАЛАРДА САБЗАВОТЛАР НЕГА КАМ?

Ленин район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати 1-сабзавотлар базасининг ланг очиқ дарвозасидан сабзи ортилган машина кириб келди. Унинг зинасидан сакраб тушган экспедитор табассум билан қабул қилувчига накладнойни узатди. Орадан бир неча минут ўтгач, хўжаликдан келтирилган маҳсулот бостирма тагига туширила бошлади. «Яна сабзими»! — кимнингдир норози овози эшитилди...

— Уч кун муқаддам бир тонна сабзи олган эдик, — дейди база мудири вазифасини бажарувчи Собир Ҳасанов. — Уни савдо ходимлари ўз вақтида олиб кетишмади: айримларининг транспорти йўқ, бошқалари аввалги олинган сабзини ҳали сотиб улгуришмаган. Орадан бир кун ўтгач, маҳсулот бузилиб, чирий бошлади. Натижада, қарийб ярмини ташлаб юборишга тўғри келди.

Сабзавот базасини кўздан кечириб, мен бир текис тахланган, сараланган сабзавот солинган қутилар билан бирга чиқиндига айланган сабзилар уюмини, чириган саримсоқпиёз, пиёз, лавлаги, карам солинган, қўланса ҳид тарқатаётган қутиларни кўрдим.

...Яқин орада жойлашган Қорасув бозорининг филиалида эса ғала-ғовур авжида. Савдо расталари пишиб етилган ранг-баранг сарҳил маҳсулотлар билан эътиборни жалб этади. Айниқса, ҳозир мева ва сабзавотлар пишиб етилган бир пайтда, бу ердан истаган нарсангизни топишингиз мумкин. Аммо кўпчилик харидорлар нархини суриштиргандан сўнг ҳеч нарсани харид қилмай, пештахталар олдидан узоқлашишаяпти— нархи қиммат. Эҳтимол бозор территориясида жойлашган сабзавот дўконлари ва магазинларига кириб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Аммо улардаги маҳсулотларни чакана сотувчиларникига қиёслаб бўлмайди. Улар майда, пишиб етилмаган, бирмунча уриниб қолган. Килограмми 14 тийин бўлган кўримсиз карамни ҳам ҳамма харид қилавермайди. Сабаби бозордан ундан яхшироғини атиги 6—10 тийин қимматига олса бўлади.

— Базадан беришганини сотаяпмиз, — тушунтиради 17-магазин мудираси Минвалиева.

— Қани, олмай кўрчи, кейинги сафар мутлақо олиб келишмайди, — уни қўллаб-қувватлашади сотувчилар.

Эътибор беринг, сабзавотларни даставвал хўжаликларда, сўнгра базада, энг охири магазинда саралашади. Яхшилари республикадан ташқарига [баъзан ҳужжати бўлмаса ҳам] жўнатилади, матлубот савдосига шартнома нархлари бўйича сотилади [бу нарх давлат нархларидан юқорироқ], яшириб қўйилади. Қолган-қутганларигина сотувга чиқарилади. Шу сабабли харидорлар чириган, ифлос тўрларга қадоқланган ностандарт маҳсулотларни харид қилишга мажбурдирлар.

Худди шу бозордаги майда, уриниган олмалар сотилаётган сабзавот дўконларидан ҳам сотувчилар бошларини сарак-сарак қилиб қайтишяпти. Шунинг учун бозорда олманинг нархи давлат нархидан уч-тўрт баравар қиммат. Нега энди бир неча минг ходими, 495 кўтарма транспорт механизми, қадоқлаш-саралаш линиялари, бошқа техникаси, 211 ихтисослашган магазини бўлган бутун бошли «Ташплодоовощпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бозорлардаги чакана сотувчилар билан рақобатлаша олмаяпти! Ана шу саволга сабзавот базасида сақлаш учун шароит йўқ, таркибида нитрат миқдори кўп бўлгани учун сабзавотлар тез бузиляпти, — деб жавоб беришади. Савдо ходимлари эса: база айбдор — бизга нима беришса, шу билан савдо қилаяпмиз, деб баҳона қилишади. Эҳтимол, гап база ходимларининг ҳам, сотувчиларнинг ҳам иш узлуксиз, аниқ йўлга қўйилишдан манфаатдор эмаслигидадир!

Базада масалан, «Партия ХХ съезди», «Коммунист», «Октябрь», «Қорасув» колхозларининг далаларидан келтирилаётган маҳсулотлар учун сифат ҳужжатларини талаб қилишни мутлақо унутиб юборишган. Талаб қилишдан ҳожат нима, деб ҳисоблашади у ерда, сабзавот ортилган машиналарни қайтариб юбормайсанку, уни ахир магазинларда кутишяпти. Нега энди улар талабга жавоб бермаса, қайтариб юбориш мумкин эмас! Ахир бир кундан кейин уларнинг чирий бошлаши маълумку!

Базада қўл меҳнатини механизациялаш, қадоқлаш ва саралаш линияларини ўрнатиш ҳақида ҳам бош қотиришмаяпти. Ваҳоланки, улар маҳсулотларни магазинларга етказиб беришни тезлаштириши мумкин. Бундан 10—15 йил илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам сабзавотларни сақлаш шароитларини яхшилаш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

Вужудга келган нохуш аҳволни ўзгартиришга савдо ходимлари ҳам шошилишаётгани йўқ. Нега энди! — ҳайрон бўлиши мумкин содда газетхон. Ахир сифатсиз маҳсулот қабул қилиш билан савдо корхоналари зарар кўриши мумкин-ку. Аммо улар анойи эмас. Газетамизда иккинчи сорт маҳсулотларнинг биринчи сорт нархида сотилаётганлиги, торози ва ҳисоб-китобдан уриб қолиш ҳоллари ҳақида ҳикоя қилинган. Қисман савдо корхоналарига қарзлардан қутилишда маҳсулотларнинг сортларини алмаштириш [эслаб кўринг: харидорларга маҳсулотларни саралаб олишга йўл қўйишмайди, агар беш дона яхши помидор ёки олма олсангиз, дарҳол шунча ёмон помидор ёки олма қўшиб қўйишади, ваҳоланки уларни қайта ишлашга жўнатиш лозим], хас-чўплари, поялари билан сотиш ҳам ёрдам беради.

Бунинг устига магазинларда ҳам, сабзавот базаларида ҳам ўз камчиликларига табиий йўқотишларни рўкач қилиб кўрсатадилар: иложи йўқ, маҳсулотлар чириб кетаяпти...

Аҳвол хўжаликларнинг турли муддатларда пишиб етиладиган сабзавотларни экишга ҳаракат қилмаётганликлари туфайли янада мураккаблашмоқда. Масалан, шу йилнинг беш ойи мобайнида жами планлаштирилган сабзавотларнинг 75 проценти тайёрланган. Картошка, бодринг белгиланган миқдорда олингани йўқ, сабзи ва лавлаги плани эса ортиғи билан бажарилди. Сабзи 56 процент, лавлаги 36 процент кўп тайёрланди. Ўз-ўзидан маълумки, уларнинг ҳисобидан йўқотишлар ҳам кўпроқ бўлган. Тайёрловчилар вужудга келган вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — ҳосилнинг нормативдан ташқари қисмини асраб қўйиш ва мавсумлар ўртасида реализация қилишдан иборат, деб ҳисоблашади. Афсуски, улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатларининг омборларида бунинг учун шароит йўқ.

Бир сўз билан айтганда, ана шу участкаларда табиий йўқотишларни қисқартириш, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, харидорларга етказиш ҳақида жон куйдиришмаяпти. Маҳсулотларни ўзгариб турадиган нархларда сотиш, сортларга ажратиб реализация қилиш масалалари ҳал этилмаяпти, турли колхоз ва совхозларнинг фирмали сабзавот магазинлари ишини жонлантириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаяпти. Ваҳоланки, Тошкентда 64 та ана шундай магазинлар бор. Ниҳоят, сабзавот конвейери ходимларининг реализация қилинаётган маҳсулот ассортименти ва сифатидан моддий манфаатдорлик механизми қачон ишга туширилади!

...1-сабзавотлар базасида карам, бодринг, саримсоқпиёз тузлаш жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Ёрдамчи хоналарда консерваланган витаминли маҳсулотлар саф тортиб турибди.

— Ўз вақтида қайта ишлаш табиий йўқотишларни камайтириш имконини беради, — дейди база технологи Захарян. — Шунинг учун барча район базаларида қайта ишлаш цехлари бўлиши керак. Афсуски, ҳозир бутун шаҳарда фақат биздагина ана шундай цех бор.

— Ахир шундай ҳам магазинларда сабзавот консервалари тўлиб ётибдику, уларга эҳтиёж ҳам катта эмас, — дейишади кўпчилик харидорлар. Бузилаётган маҳсулотни қайта ишлаш йўли билан бир мушкулни ҳал этиб, уни реализация қилиш билан боғлиқ бошқа мушкулликни келтириб чиқармаймизми! Ахир ана шу консерваланган сабзавотларга мамлакатимизнинг бошқа районларида эҳтиёж бўлиши мумкин. Бунинг учун фақат агросаноат чапдастроқ ҳаракат қилиши керак бўлади.

Мен Фрунзе район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатининг 1-сабзавотлар базасида ҳам бўлдим. «Ленинизм» колхозидан эндигина тўлишиб, сарғая бошлаган бодрингларнинг навбатдаги партияси келтирилган экан. Уларни шошилмай саралаб, қопларга жойлай бошлашди.

— Бу бодринглар магазинларда ассортимент учун йўлига бир-икки кун турадида, кейин уларни рўйхатдан чиқариб ташлашади, — дейди база мудири А. Тухватулин.

Эҳтимол бундай аҳволдан кимлардир манфаатдордир! Чунки табиий йўқотиш деб ҳисоб-китобдан ўчирилаётган маҳсулотларни базада ҳам, савдо корхоналарида ҳам ташлаб юбориш шарт эмас. Уларни реализация қилиб, минглаб сўм даромад олиш мумкин. Саралаш билан боғлиқ чалкашликлар, яроқсиз ҳолга келиши аниқ бўлган маҳсулотларнинг қабул қилиниши, саралаш ва қадоқлаш ускуналарининг чор-ночор ишлаши устамон қўли эгрилар учун кенг имкониятлар очиб беради. Чунки, аҳолига сабзавот маҳсулотларини реализация қилишнинг бекаму кўст созланган, бенуқсон ишловчи занжири меҳнатсиз даромадлар йўлига албатта ғов қўяди. Эҳтимол шунинг учун сабзавот базаларида ўнлаб йиллар илгари қандай бўлса, шундай жўн — бостирмалар остида, қўл меҳнатини механизациялашни, сабзавотларни сақлашнинг илғор усулларини жорий этишни гўё унутиб қўйгандек ишлашаётгандир, эҳтимол шунинг учун ихтисослашган магазинлардаги барваста сотувчилар: «Хоҳласанг ол, хоҳламасанг катта кўча», деб жавоб беришаётгандир.

О. ХАРЧЕНКО.

# ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. АҚШ Давлат секретари Жорж Шульц Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океан ҳавзасидаги мамлакатларга сафарга чиқди. Икки ярим ҳафта давом этадиган сафар чоғида Давлат секретари, аввало, Таиланднинг Бангкок шаҳрида бошланадиган АСЕН ташкилотининг уч кун давом этадиган кенгашида иштирок қилади. Шундан Шульц Малайзия, Индонезия, Филиппин, Гонконг, Хитой, Жанубий Корея, Японияга боришни мўлжалламоқда. Шульц ўз сафари чоғида мазкур региондаги Америка базалари хусусидаги масалаларни, АҚШнинг шу ердаги бир қанча мамлакатлар билан савдодаги камомади масаласи, Кампучия муаммосини бартараф этиш йўлларини муҳокама қилиш ниятидадир. АП агентлигининг фикрича, унинг регион мамлакатлари раҳбарлари билан учрашувлари чоғида АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари уриб туширган Эрон пассажир самолёти тўғрисидаги масала ҳам албатта кўтарилади.

ВАРШАВА. Польшанинг таниқли қўшиқчилари ва катта эстрадага эндигина қадам қўйган ҳаваскорлар, музикали группалар анъанавий ҳарбий қўшиқлар миллий фестивалининг асосий совринлари — олтин ва кумуш узук соҳиби бўлиш ҳуқуқи учун кураш бошладилар. Балтика соҳилида жойлашган Колобжега курорт шаҳри ям-яшил амфитеатрида юбилей байрам концерти янгради. Концерт бу йил тантанали нишонланадиган Польша мустақиллигининг 70 йиллиги ва Польша қўшинларининг 45 йиллигига бағишланди.

ВАРШАВА. Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик Польша учун иқтисодий хавфсизлик ва барқарорлик кафолатидир, деди ПХР ташқи иқтисодий ҳамкорлик министри Владислав Гвязда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Польшага расмий дўстлик визити арафасида бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида министр ТАСС мухбири саволларига жавоб қайтариб, Польшада халқ хўжалиги соҳасида СССР билан ўзаро ҳамкорликка ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда, деб таъкидлади. Биз, — деди министр, — ҳам иқтисодий ҳам илмий-техникавий ҳамкорликнинг турли формаларини, сўнгги вақтда айниқса, интенсив ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантирмоқдамиз. Электроника, автоматлаштириш, биотехнология, биокибернетика каби йўналишлар устун йўналишлардир. Бу йил 75 мавзуда биргаликда иш олиб борилмоқда, шулардан 31 таси ишлаб чиқаришга жорий этилади, деб таъкидлади В. Гвязда.

ОСЛО. БМТнинг Норвегия пойтахтида ниҳоясига етган икки кунлик конференциясида ҳозирги замон жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда барча давлатлар куч-ғайратларини мувофиқлаштирайлик, деган асосий мавзу муҳокама қилинди. Конференцияда БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр, БМТнинг ихтисослашган 25 муассаси раҳбарлари иштирок этдилар. БМТ атроф-муҳит ва тараққиёт комиссиясининг докладида баён этилган таклифларни амалга ошириш имкониятлари ва конкрет йўллари анжуманда муҳокама қилинди. Конференция қатнашчилари қабул қилган якунловчи ахборотда таъкидланганидек, ядро уруши хавфининг олдини олиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва барча мамлакатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамда барқарор иқтисодий, сиёсий ва социал тараққиётини таъминлаш масалалари халқаро ҳамжамият олдида турган ҳозирги замон асосий муаммоларидир.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилия пойтахтига яқин Маке деган жойнинг атрофида пайдо бўлган Африка арслонлари кишиларни ваҳимага солди. Узоқ қитъадан келган ваҳший ҳайвонлар жуда қонхўр бўлиб чиқди. Бир неча кун мобайнида улар бир қанча от ва молни ғажиб ташлади. Бу от ва молларнинг эгалари азалдан бу жониворларни ўтлатиш учун Маке чеккасига ҳайдар эдилар. Кейин эса арслонлар майда уй ҳайвонларидан ҳам қайтмади. Бироқ ҳайвонлар ҳозирча яхшиямки, одамларга ҳужум қилаётгани йўқ. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, арслонлар, афтидан, одамлар билан учрашувдан атайлаб қочиб юрибди. Бу жойга чиқарилган зоолог мутахассислар ҳайвонлар қандайдир сайёр цирк ёки ҳайвонот боғидан қочишган, деб тахмин қилмоқдалар.

БОНН. Кёльн ветеринарлари хонаки мушукларда илгари учрамаган янги касалликка дуч келдилар. «Келнер штадд — анцайгер» газетасининг хабар беришича, касаллик аломатлари ва организмга таъсир қилиш механизми билан ҳаммага аянчли машҳур СПИД касаллигини эслатаётганлиги факти кишини ташвишлантирмоқда.

«Мушуклар СПИДИ» деб аталган касаллик ҳам ҳайвон иммун системасини шикастлантирувчи вирус туфайли пайдо бўлади. Бундан уч йил аввал бир неча жонивор бу касалликка чалинганлиги қайд этилган эди. Ҳозирги вақтда касаллик шу қадар тарқалиб кетдики, ҳар ҳафтада бир қанча янги ҳодиса рўйхатга олинмоқда. Касалликнинг ташқи кўриниши — жониворлар овқат емай бўшашади, озиб-тўзиб, жуни тўкилади, экземага ўхшаш яралар пайдо бўлади. «Мушуклар «СПИДи»ни даволаш воситаси ҳали топилганича йўқ, мутахассислар фикрича, бу касалликнинг жониворларнинг бошқа турлари ёки одамга юқиш хавфи йўқ.

КАЛЕЙДОСКОП



### ЖАЖЖИ ВЕЛОСИПЕД

БУЮК БРИТАНИЯ. Моҳир қўллар ва конструкторлик қобилияти англиялик Поль Эшлига ниҳоятда митти мотоцикл ясаш имконини берди (суратда ана шу мотоциклни кўриб турибсиз).

Унинг узунлиги ва баландлиги 18 сантиметр, вазни 3 килограммга яқин, соатига 15 километр тезлик билан ҳаракат қилади.

Энг қизиғи шундаки, мотоциклни вазни 63 килограммгача бўлган киши миниши мумкин. Мазкур модель жаҳондаги шу хилдаги моделларнинг энг кичиги ҳисобланади. 1989 йилда Поль Эшлининг номи ва унинг мотоцикли «Гиннеснинг рекордлар китоби»га қайд этилади.



### ЭНГ КИЧИК МУЗЕЙ

ЛЮКСЕМБУРГ. Маҳаллий чизмакаш Ив Жеро буюк рассомлар классик асарлари нусхаларининг ўзига хос нодир, ер юзида энг кичик музейини ташкил этди. Унинг митти дурдоналар галереяси инсон кафтида, гугурт қутисида жойлашади. Экспонатларни эса ушбу суратда тасвирлангандек томоша қилиш мумкин.

Гугурт чўпида Жеронинг 50 соатлик меҳнати самараси — Уйғониш даврининг буюк мусаввири Рафаэлнинг автопортрети тасвирланган. Уни жаҳондаги энг митти бадиий портрет деб ҳисоблашади. Ив Жеронинг музейи 1988 йилда Францияда чоп этилган «Гиннеснинг рекордлар китоби»да қайд этилди.



### ЁШ АРХИТЕКТОРЛАР КОНКУРСИ

ГОЛЛАНДИЯНИНГ Альмер қишлоғида ёш архитекторлар ва эстетика бўйича мутахассисларнинг энг яхши чорбоғ уй лойиҳаси учун конкурси бўлиб ўтди. Конкурс шартига мувофиқ лойиҳа муаллифи обрўли комиссияга чизмаларни тақдим этибгина қолмай уни бунёд этиб, намойиш этиши ҳам лозим эди. Конкурс ташкилотчиларининг фикрига қараганда бу лойиҳа ва конструкцияларни йиғиш соддалигини таъминлаш билан бирга, уйларнинг қурилиши арзон тушишига кафолат берар эди.

СУРАТДА: Альмердаги конкурс ғолибларидан бири Стас Свиерста ўз лойиҳасини амалда намойиш этиш вақтида ҳордиқ чиқараяпти.

